XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 752,0 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 68,7 минг кишига ёки 1,9 фоизга кўпайди. Шундан, 2 117,7 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,4 фоизи) ва 1 634,3 минг киши – қишлоқ жойларида (43,6 фоизи) истиқомат қилади.

Вилоят ҳудуди ва аҳоли зичлиги
2020 йил 1 январ ҳолатига

	ташкил топган сана	*ҳудуди, минг кв. км*	*доимий аҳоли сони, минг киши*	*1 кв. км га аҳоли зичлиги, киши*
Вилоят бўйича	**15.01.1938**	**6,759**	**3 752,0**	**555,1**
шаҳарлар:				
Фарғона	1877 й.	0,1003	288,9	2 880,4
Қўқон	X аср	0,037	252,7	6 829,7
Қувасой	14.06.1954 й.	0,264	93,2	353,0
Марғилон	X аср	0,041	235,0	5 737,7
туманлар:				
Олтиариқ	29.09.1926 й.	0,631	210,5	333,6
Қўштепа	16.04.1952 й.	0,368	189,2	514,1
Бағдод	31.12.1964 й.	0,333	214,4	643,8
Бувайда	26.12.1973 й.	0,279	226,8	812,9
Бешариқ	29.09.1926 й.	0,774	227,3	293,7
Қува	10.02.1939 й.	0,438	257,1	586,9
Учкўприк	29.09.1926 й.	0,275	227,4	826,9
Риштон	09.01.1967 й.	0,307	201,1	655,0
Сўх	27.02.1990 й.	0,221	77,7	351,6
Тошлоқ	12.04.1973 й.	0,243	201,0	827,2
Ўзбекистон	17.04.1963 й.	0,689	237,7	345,0
Фарғона	22.02.1964 й.	0,6117	212,0	346,6
Данғара	07.12.1970 й.	0,435	172,8	397,2
Фурқат	09.04.1992 й.	0,305	117,3	384,6
Ёзёвон	27.12.1980 й.	0,407	110,0	270,2

Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий ташкил топиши 1938 йилнинг 15 январидан бошланади. Ҳудуди 6,8 минг квадрат километрни ташкил этади ёки мамлакатимиз ҳудудининг 1,5 фоизига тенг. Вилоятимиз шимолдан Наманган вилояти, шарқдан Андижон вилояти, жануб томондан Қирғизистон Республикасининг Ўш ҳамда Баткен вилоятлари ва ғарбдан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти билан чегарадош. Вилоянинг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Ёрдон, Риштон туманининг Чўнғира қишлоқлари вилоят, Республика ҳудудидан ташқарида, Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Вилоят маъмурий ҳудудий бўлинишига кўра 4 та вилоят миқёсидаги шаҳар, 15 та туман, 5 та туманлар тасарруфидаги шаҳарлар, 197 та шаҳар типидаги посёлкалар, 1 227 та аҳоли яшаш пунктлари ҳамда 1 031 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташкил топиб, уларда 3 752,0 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Вилоятнинг маъмурий маркази Фарғона шаҳри.

Вилоятнинг иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсига совуқ ҳавонинг кириб келишини тўсиб турганлиги боис, қишда об-ҳаво бир мунча мўътадил. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27,5°С, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -3°С. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин миқдори 200-250 мм.ни ташкил этади.

Тупроқлари бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергел чақиртошлардан иборат бўлиб, экин экилмайдиган текисликлар қисмида турли ўсимликлар, тоғ ён бағирларида писта, бодом ўсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва бошқалар) кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар бор.

Географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги вилоятда азотли ва фосфорли ўғитлар, нефть маҳсулотлари, оҳактош, соғ тупроқлар (ғишт, черепица учун хом-ашё), мармар, цемент хом-ашёси, шағал, енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун янада қулайдир. Вилоятда фойдали қазилмаларнинг 43 тури аниқланган бўлиб, улардан 21 таси ўзлаштирилмоқда.

Фарғона вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2020 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*		
	жами	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Фарғона вилояти	**3 752,0**	**2 117,7**	**1 634,3**	**101,9**	**101,7**	**102,1**
шаҳарлар:						
Фарғона	288,9	288,9	x	101,8	101,8	x
Қўқон	252,7	252,7	x	101,6	101,6	x
Қувасой	93,2	52,4	40,8	101,7	101,8	101,5
Марғилон	235,0	235,0	x	101,7	101,7	x
туманлар:						
Олтиариқ	210,5	159,0	51,5	101,9	101,8	102,3
Қўштепа	189,2	74,1	115,1	101,9	101,3	102,3
Бағдод	214,4	110,5	103,8	102,1	102,0	102,3
Бувайда	226,8	109,1	117,7	102,0	100,7	103,2
Бешариқ	227,3	79,9	147,5	101,9	101,8	101,9
Қува	257,1	119,4	137,7	101,8	101,8	101,8
Учкўприк	227,4	41,2	186,1	101,9	101,8	101,9
Риштон	201,1	128,9	72,2	101,9	101,7	102,2
Сўх	77,7	49,4	28,3	101,9	101,6	102,5
Тошлоқ	201,0	46,8	154,3	102,0	101,7	102,0
Ўзбекистон	237,7	103,1	134,6	101,9	101,8	102,1
Фарғона	212,0	132,7	79,3	101,9	101,8	102,1
Данғара	172,8	40,3	132,5	102,0	102,2	102,0
Фурқат	117,3	27,7	89,6	101,5	101,6	101,4
Ёзёвон	110,0	66,5	43,5	102,0	101,8	102,3

Шаҳарлар ичида энг кўп аҳоли Фарғона шаҳрида 288,9 минг киши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 фоизга ўсган) ва туманларда энг кўп аҳоли Қува туманида бўлиб, 257,1 минг кишини ташкил қилади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 фоизга ўсган).

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)



Январь–декабрида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

Кўрсаткичлар	*минг киши*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2018 йил	*2019 йил*	*2018 йил*	*2019 йил*
Туғилганлар	81,4	87,9	22,3	23,6
Ўлганлар	16,9	17,3	4,6	4,6
шу жумладан бир ёшгача болалар	0,5	0,5	6,1	6,1
Никоҳлар, *мингта*	35,4	35,0	9,7	9,4
Ажралишлар, *мингта*	3,0	3,2	0,9	0,9

Туғилиш даражаси. 2019 йилнинг январь–декабрь туғилганлар сони 87,9 минг кишини ташкил этди ва 2018 йилнинг шу даврига (81,4 минг киши) нисбатан 6,4 минг кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 23,6 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Фуркат туманида 22,5 дан 24,6 промилле, Қува туманида 21,8 дан 23,8 промилле, Фарғона шаҳрида 16,9 дан 18,3 промиллега, Қўқон шаҳрида 19,9 дан 21,6 промиллега, кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2019 йилнинг январь–декабрь холатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим даражаси. 2019 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 17 286 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (16 975 киши) нисбатан 311 кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-декабрда 4,6 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида юз берган бўлиб, энг кўп камайиш Ёзёвон туманида 3,9 дан 3,5 промилле, Боғдод туманида 4,6 дан 4,3 промиллега кузатилди, Бешариқ туманида 4,5 дан 4,2 промилле, Фарғона туманида 4,9 дан 4,6 промилле, Риштон туманида 4,6 дан 4,4 промилле.

Ўлганлар умумий сонининг 62,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,6 фоизи ўсма касалликларидан, 6,1 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 6,0 фоизи бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва шикастланиш касалликларидан, 3,8 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2019 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрда бир ёшга тўлмаган 514 та болалар ўлими кузатилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 6,1 промиллени ташкил қилди (2018 йилнинг январь-декабрь 6,1 промилле).

Бир ёшгача ўлган болалар умумий сонининг 41,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,9 фоизи туғма аномалиялардан, 20,4 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 5,0 фоизи инфекция ва паразит касалликларидан ва 4,9 фоизи бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва шикастланиш оқибатида вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йилнинг январь-декабрда шаҳар, туман ҳокимликларининг ФҲДЁ бўлимларида 34 958 та никоҳлар ва 3 192 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,4 та никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида 9,7 та) ва 0,9 та ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида – 0,8) тўғри келади.

Январь–декабрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2018й.	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*
Вилоят	35 448	34 958	3 070	3 192
шаҳарлар:				
Фарғона	2 295	2 398	393	460
Қўқон	2 173	2 198	334	352
Қувасой	877	852	101	104
Марғилон	2 124	2 174	162	202
туманлар:				
Олтиариқ	2 250	2 214	159	169
Қўштепа	1 850	1 917	118	122
Бағдод	2 094	1 937	180	176
Бувайда	2 166	1 995	144	136
Бешариқ	2 119	2 061	181	175
Қува	2 503	2 354	190	184
Учкўприк	2 206	2 342	117	116
Риштон	1 940	1 858	183	165
Сўх	598	599	34	39
Тошлоқ	1 912	1 928	107	106
Ўзбекистон	2 427	2 228	207	205
Фарғона	1 969	1 994	158	193
Данғара	1 723	1 760	129	142
Фурқат	1 218	1 172	106	88
Ёзёвон	1 004	977	67	58

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятга кўчиб келганлар сони 12 667 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 14 554 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1 887 кишига (2018 йилнинг шу даврида – минус 1 366 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Фуркат тумани (минус 486), Қува тумани (минус 352) ва Учкуприк тумани (минус 351) кузатилди.

Январь–декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари
(киши)

	Келганлар		*Кетганлар*		*Миграция сальдоси*	
	2018й.	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*
Вилоят	**13 312**	**12 667**	**14 678**	**14 554**	**-1 366**	**-1 887**
шаҳарлар						
Фарғона	4 494	3 820	2 380	2 350	2 114	1 470
Қўқон	994	1 219	1 378	1 329	-384	-110
Қувасой	427	438	417	379	10	59
Марғилон	627	1 125	1 522	1 352	-895	-227
туманлар						
Олтиариқ	327	336	466	561	-139	-225
Қўштепа	637	530	645	855	-8	-325
Бағдод	639	628	536	572	103	56
Бувайда	381	284	621	612	-240	-328
Бешариқ	475	307	574	484	-99	-177
Қува	531	377	705	729	-174	-352
Учкўприк	637	347	627	698	10	-351
Риштон	445	395	624	614	-179	-219
Сўх	4	14	62	48	-58	-34
Тошлоқ	754	515	745	774	9	-259
Ўзбекистон	564	682	781	773	-217	-91
Фарғона	551	832	1085	908	-534	-76
Данғара	347	570	701	688	-354	-98
Фурқат	316	73	548	559	-232	-486
Ёзёвон	162	155	261	269	-99	-114

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь–декабрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 892,2 минг сўмни ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 25,9 фоизга ошди. Энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Фарғона шаҳарда 2 424,0 минг сўмни, Қўқон шаҳарда 2 030,1 минг сўмга тўғри келди.

Январь-декабрь ойлари давомида ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи
(минг сўмда)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳаққининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2019 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз минг сўмда)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори молия ва суғурта фаолиятига тўғри келиб, 3 672,4 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич курилишда 2 196,4 саноатда 2 448,9 ва таълим соҳасида 1 694,4 минг сўмдан иборат бўлди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(январь-декабрь қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субектларисиз, минг.сўмда)

	2018й.	2019й.	Усиш сурати %
Вилоят	**1 503,2**	**1 892,2**	**125,9**
шаҳарлар			
Фарғона	1 953,8	2 424,8	124,1
Қўқон	1 653,2	2 031,8	122,9
Қувасой	1 701,5	1 966,9	115,6
Марғилон	1 342,1	1 821,4	135,7
Туманлар			
Олтиариқ	1 226,5	1 626,4	132,6
Қўштепа	1 234,1	1 528,0	123,8
Бағдод	1 281,7	1 699,2	132,6
Бувайда	1 145,7	1 482,0	129,3
Бешариқ	1 119,1	1 416,2	126,6
Қува	1 205,4	1 541,0	127,8
Учкўприк	1 201,8	1 610,0	133,9
Риштон	1 190,5	1 557,4	130,8
Сўх	1 325,3	1 611,1	121,6
Тошлоқ	1 582,1	1 875,3	118,5
Ўзбекистон	1 169,4	1 653,7	141,4
Фарғона	1 174,9	1 450,5	123,4
Данғара	1 195,8	1 558,9	130,3
Фурқат	1 260,7	1 704,5	135,2
Ёзёвон	1 311,0	1 798,8	137,2